

# НАРХНИ КЕЙИН БЕРИШ САВДОСИ ЖОИЗ

05:00 / 17.02.2017 3826

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир яҳудийдан нархини кейин беришга таом сотиб олдилар ва темир совутни гаровга қўйдилар»**. Икки Шайх ва Насайй ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ғайридин одам билан савдо қилиш жоизлиги.
2. Нархини кейин беришга таом сотиб олиш мумкинлиги.
3. Бировни ҳақини қайтариб беришга ишонтариш учун ўз нарсасини гаровга қўйиб қўйиш мумкинлиги.
4. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг содда ҳаёт кечирганлари. Ҳатто таом сотиб олишга пуллари бўлмай, яҳудий одамдан нархини кейин бергани савдо қилишлари шунини кўрсатади.

Бизда буни қарзга таом олиб турди, дейилади. Луғавий жиҳатдан бу тўғри эмас. Бу иш қарз олиш эмас. Бу нархни кейин бериш савдоси. Чунки таом олинади, нархи белгили, фақат харидорда ўша вақтда беришга пули йўқ. Кейин олиб келиб беришга ваъда беради. Демак, нақд пулни кейин бериш шарти билан савдо қилса бўлади. Аммо, рибовий молларни бир-бири билан алмаштиришда қўлма-қўл бўлиши шартлигини олдин ўрганиб чиққанимизни унутмаслигимиз керак.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг устларида иккита қалин қитрий кийимлари бор эди. Қачон сафар қилиб терласалар, икковлари у зотга оғирлик қилиб қолар эди. Фалончи яҳудийга Шомдан кийим келди. Мен: «Агар унга одам юбориб иккита кийим сотиб олсангиз яхши бўларди», дедим. У зот унга одам юбордилар. У эса: «Ҳа, нимани кўзлаётганингни билдим. Молимни еб кетишни кўзлаяпсан, холос», деди.**

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ёлғон айтибди. Батаҳқиқ, у менинг Аллоҳга энг тақводор ва омонатни энг адо этувчи эканимни билади», дедилар»**. Насайй ва Термизий ривоят қилди ва, саҳиҳ, деди.

Шарҳ: «Қитрий кийим» Ямандан келтириладиган чопон.

*Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:*

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг камторона яшаганлари. Ямандан келтирилган, кийиб сафарга чиқса, терлаб оғирлашиб қоладиган кийимни кийиб юришлари бунга яна бир далил.
2. Аёл киши эрининг кийимларидан хабар олиб, унга маслаҳатлар бериб туруши кераклиги. Оиша онамизнинг ўзларини тутишлари бунга мисол.
3. Эркак киши ўз аёлининг маслаҳатларига амал қилиши яхши эканлиги. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизнинг маслаҳатлари билан нақд пуллари бўлмаса ҳам, кейин бериш шарти билан яҳудий савдогардан кийим олиб келишга одам юборишлари шуни кўрсатади.
4. Маълум нарсани сотиб олиб келиш учун одам юбориш жоизлиги.
5. Пайғамбаримиз даврларида яҳудийлар мусулмонлар ичида тижорат билан шуғулланганлари.
6. Яҳудийларнинг ғаламислиги. Мазкур тожир яҳудийнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан кийимни олиб туриб нархини кейин бермоқчи бўлганларида, дарҳол, сен менинг молимни олиб еб кетмоқчисан, дейиши бунга далил. Ҳолбуки, у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ким эканликларини ва сифатларини яхши билар эди.
7. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга энг тақводор банда эканликлари.
8. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам омонатни энг яхши адо этувчи шахс эканликлари.